

20 Январ 2022 й.

Электр энергиясини етказиб берувчи АЖ "Чилонзор буюм савдо комплекси" кейинги матнларда "Абонент" деб аталувчи номидан, Низом асосида фаолият олиб борувчи директор Азимов Т.С, бир тарафдан ва электр энергиясидан фойдаланувчи АЖ "РОУТАХТ BANK" Амалиёт Бошқармаси кейинги матнларда "Субабонент" деб аталувчи номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи АЖ "РОУТАХТ BANK" Амалиёт Бошқармаси иккинчи тарафдан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 468 – 478 моддаларига асосан ушбу шартномани туздилар:

**Дўкон Пойтахт банк**

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Абонент" "Субабонент"нинг буюртмасига асосан, баланс мансублигига қарашли тармоқ орқали электр энергиясини, шартноманинг 1 – иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб бериш мажбуриятини, "Субабонент" ўз навбатида электр энергиясини қабул қилиб олиш ва ўрнатилган тарифларда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ**

- 2.1. Фойдаланиладиган электр энергиясининг йиллик режалаштирилган ҳажми 2350 кВт соатни ташкил қилади.
- 2.2. "Абонент" томонидан "Субабонент"га етказиб берилган электр энергиясининг миқдори "Субабонент"га тегишли бўлган электр энергиясини ҳисобга олиш СЕ102 русумли № 42720384 сонли ускунасининг кўрсаткичларига қараб белгиланади.
- 2.3. Электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари бўлмаган тақдирда ўрнатилган қувват бўйича ҳисоб китоблар амалга оширилади.

**3. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

- 3.1. Бир йилга етказиб бериладиган электр энергиясининг умумий баҳоси ўрнатилган тариф асосида шарномани тузиш вақтида сўми ташкил этади.
- 3.2. Етказиб бериладиган электр энергияси учун, бир ойга режалаштирилган электр энергиясининг 100% миқдорида аванс тўлови амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2017 йилдаги ПФ – 5059 сонли фармони асосан)
- 3.3. Шартноманинг умумий баҳоси куйидаги ҳолларда ўзгариши мумкин:
  - а) тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб китоблар янги тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.
  - б) шартномага ўзгартиришлар киритилганда, яъни шартноманинг 1.1. бандида кўрсатиб ўтилган 1 иловасида шартномавий миқдор ўзгарганда.
- 3.4. "Субабонент" томонидан ортиқча тўланган пул маблағлари қайтарилмайдиган ва аванс тариқасида ҳисобга олинади.
- 3.5. "Субабонент"да электр энергияси учун 30 кундан ортиқ қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, аванс тўлови тариқасида тўланган пул маблағлари қарздорлиқни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тўлови тариқасида ҳисобга олинмайди.
- 3.6. "Субабонент"нинг айби билан шартномада кўрсатилган ҳажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинган тақдирда аванс тариқасида олинган пул маблағлари қайтарилмайдиган, балки истеъмол қилинадиган электр энергияси учун кейинги ҳисоб китоб ойна учун олинади, шартнома бекор қилинган тақдирда эса ушбу пул маблағлари қайтариб берилади.
- 3.7. "Субабонент" ҳар ойнинг 01 санасига қадар истеъмол қилган электр энергиясининг ҳажми тўғрисида маълумотларни тақдим этиши ва ҳар ойнинг 10 санасига қадар тўлиқ ҳисоб китобни амалга ошириш билан бирга тармоқлардаги энергия йўқотишлари учун умумий тўланиши лозим бўлган суммадан 2.06% миқдорида ҳақ тўлаш мажбуриятни олади.
- 3.8. Энергия учун ҳисоб – китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 январдаги 2018 йил №22 сонли қарори

**4. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

- 4.1. "Абонент" тизимидаги аварияларни олдини олиш уларни бартараф этиш, ёки инсонларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чоралар, тадбирлар кўриш зарур бўлганда "Субабонент"ни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда энергияни узатишни тўхтатади.
- 4.2. "Абонент" кўйидаги ҳолларда электр энергиясини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга:
  - а) "Субабонент" "Абонент"нинг тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб олган тақдирда ва қувват шартномада келишилган миқдордан ошиб кетганда;
  - б) фойдаланилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда;
  - в) электр энергиясининг ҳажми учун олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда;
  - г) "Субабонент"да электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари бўлмаган тақдирда;
  - д) "Узстандарт" агентлигининг ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарини текширилганлиги тўғрисида давлат тамғалари бўлмаган тақдирда;
  - е) "Абонент"нинг вакили электр ҳисоблагич ва уни ишга тушириш схемаси (т.т, т.н ва хоказо бошқа ускуналар) ҳолатини назорат қилиш учун қўйилмаган тақдирда;

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 5.1. "Субабонент"нинг ҳуқуқлари:
  - а) "Абонент" томонидан шартномавий мажбуриятлар шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
  - б) электр энергиясининг шартномавий миқдорини ўзгартириш бўйича мурожаат этишга бу ҳолатда ўзгартириладиган электр энергиясининг ҳажми учун жорий ойнинг 10 санасига қадар олдиндан тўловни амалга оширган ҳолда;
  - в) электр энергиясини ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини талаб қилиш;
- 5.2. "Субабонент"нинг мажбуриятлари:
  - а) шартномавий мажбуриятлар шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
  - б) электр энергияси ва истеъмол қилинадиган қувват учун шартномадаги миқдорнинг мазкур шартноманинг 3.2 бандида кўрсатиб ўтилган аванс тўловини ўз вақтида тўлаш;
  - в) электр энергияси учун якуний ҳисоб китобларни 30 кундан кечикмаган ҳолда амалга ошириш;
  - г) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналар созлигини таъминлаш ва уларни техник ҳолатини сақлаш;
  - д) Ёнғин ва бошқа ҳавфсизлик чораларини кўриш мақсадида электр энергияси ва ускуналардаги носозликлар ҳақида "Абонент"ни хабардор этиш;
  - е) электр энергиясини ҳисоблагичлардаги давлат ва бошқа тамғалар бутлигини сақлаш;
  - ж) "Субабонент"нинг номи, юридик манзили, хизмат кўрсатувчи банки ўзгарган тақдирда "Абонент"га 3 банк кунда хабардор этиш;
  - з) электр иситкич асбобларидан фойдаланмаслик.
  - и) сонидан қатий назар, умумий истеъмол қилиш қуввати 1 соатга 150 ватдан ортмайдиган энергия тежовчи электр ёриткичлардангина фойдаланиш;
- 5.3. "Абонент"нинг ҳуқуқлари:



- а) "Субабонент" томонидан шартномавий мажбуриятлар шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарили талаб холда, назарда тутилган ўзгартиришлар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиб, уларни хал этиш;  
в) электр энергиясини ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш;

5.4. "Абонент"нинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятлар шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;  
б) электр энергияси ва истеъмол қилинадиган қувват учун шартномадаги миқдорнинг мазкур шартноманинг 3.2 бандида кўрсатиб ўтилган аванс тўлови ва электр энергияси учун якуний ҳисоб китобларни 30 кундан кечикмаган холда амалга оширилишини талаб қилиш;  
г) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналар созлигини таъминлаш ва уларни техник ҳолатини сақланишини назорат қилиш;  
д) Ёнгин ва бошқа хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида электр энергияси ва ускуналардаги носозликларни бартараф этиш;  
е) электр энергиясини ҳисоблагичлардаги давлат ва бошқа тамғалар бутлигини сақланишини назорат қилиш;  
ж) "Субабонент"ни электр энергиясини етказиб берувчи тармоқларни режали таъмирлаш вақтларида "Субабонент"ни 3 сутка олдин хабардор этиш;  
з) ясама (қўлбола) электр иситгич асбоблари аниқланган тақдирда, электр энергиясини тўхтатиб қўйиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартнома талаблари бажарилмаган ва лозим даражада бажарилмаган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини тўлаб бериши шарт.  
6.2. Электр энергияси етказиб бериш муддати кечиктириб юборилган тақдирда, 5% дан кўп миқдорда етказиб берилмаган тақдирда Абонент Субабонентга муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг миқдори етказиб берилмаган электр энергиясининг 50% ортиқ булмаслиги керак.  
6.3. Етказиб берилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда Субабонент Абонентга муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг миқдори муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50% ортиқ булмаслиги керак.  
6.4. Субабонент шартномада қайд этилган электр энергияси хажмининг 5% дан 10% гача ортиқча истеъмол қилган тақдирда, белгиланган тарифнинг 50% миқдорда, ҳамда шартномада қайд этилган хажмининг 10% дан ортиқ миқдорда истеъмол қилинган тақдирда, электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 100% миқдорда Абонент фойдасига жарима тўлайди. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.11.2004 йилдаги N511 сонли , 22.08.2009 йилдаги N245 ва 12.01.2018 йилдаги N22 сонли қарорига асосан)

7. ФОРС МАЖОР

- 7.1. Шартномада назарда тутилган талаблар, ҳамда тарафларнинг мажбуриятлари ўз вақтида ва лозим даражада бажаришнинг имкони бўлмаган ҳоллар яъни табиий офатлар (сув тошқини, ёнгин, zilzilalar ва х.к.) таъсирида еки фавқулотда ҳолатлар жорий этилган тақдирда тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар.  
7.2. Бартараф этиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар унинг етарли даражадаги тасдиғи деб ҳисобланади.

8. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Шартнома "01" январ 2022 йилдан бошлаб кучга кириб, "31" декабр 2022 йилгача амал қилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши ва бекор қилиниши мумкин:  
а) тарафларнинг ўзаро келишувига асосан;  
б) Иктисодий судлари томонидан;  
в) тарафларнинг бири шартнома талабларини қўпол равишда бузган тақдирда.  
9.2. Шартномага киритилган иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.  
9.3. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан хал қилинади, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар Тошкент шаҳар Иктисодий судида кўрилади.  
9.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафларнинг хар бирига бир нусхада берилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

"АБОНЕНТ"

Чилонзор буюм савдо комплекси АЖ  
100 161 Тошкент ш. Бунедкор ш.к.156а  
Телефон 287-77-41

х.р. 20208000300111888001  
АТІВ "ПРОТЕКА – BANK" Чилонз.филиали  
МФО 00997  
ИНН 200197009 ОКЭД 68201

Азизов Т.С



СУБАБОНЕНТ

АЖ "РОУТАХТ BANK" Амалиёт Бошқармаси  
И.Каримов кучаси 55уй  
Телефон 33-118-18-18

х.р. 19909000900001172001  
Банк Пойтахт банк Амалиёт бошқармаси  
МФО 01172 ОКЭД 64190  
ИНН 207290120

М.у. имзо

